Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 10 (139) • 2008 йил 7 март

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Парламент хабарлари

Олий Мажлис Сенатида

АЁЛ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ



Жамиятнинг тараққиёт даражаси ва маърифатлилик савияси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланиши барчага аён. Жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ижобий ўзгаришлар, агар улар оила, аёллар ва болалар бахт-саодати ҳамда фаровонлигига қаратилмаган бўлса, юзакилигича қолаверади. Ўзбекистонда асримизнинг бошланиши оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя этишдек абадий инсонпарварлик рамзлари остида ўтмоқда.

Мамлакатимизда жамият ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Тенг ҳуқуқлилик ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб, бу принцип БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинган. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги конституциявий принцип ҳисобланади, мамлакатимизнинг Асосий қонунида алоҳида бир боб – XIV боб оила, оналик ва болаликка бағишлангандир. Ўзбекистон 1995 йили Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилар қатори БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов хотин-қизларнинг ролини ва ижтимоий мақомини кўтариш давлатчилигимизнинг энг асосий, энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлигини айтиб, бу уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг бош кафолати эканлигини қайта-қайта таъкидлаганича бор.

Бизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришда «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрелда, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлигини белгилаб берган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чоралари тўғрисида»ги 1995 йил 2 мартда, «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 17 мартда ва «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майда чиқарилган фармонлари бағоят муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Аёл, давлат ва жамият» мавзусидаги давра суҳбатида кейинги йилларда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг роли анчагина ошганлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда Олий Мажлис қуйи палатаси депутатларининг 18, юқори палатаси аъзоларининг 15 фоизи хотин-қизлардир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хотин-қизларнинг улуши 44 фоизни, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари орасида эса қарийб 23 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда хотин-қизлар таълим сифатини янада яхшилашга, замонавий талаблар даражасида малакали кадрлар тайёрлашга, илм-фанни ривожлантиришга, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Иштирокчилар оналик ва болаликни муҳофаза этишни чуқурлаштириш, қизлар ва аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларига муҳокама асосида алоҳида эътибор қаратдилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 500 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди ва улар хотин-қизларга, оналар ва болаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмоқдалар. Кейинги вақтларда барча минтақаларда оила ва никоҳ марказлари ҳамда скрининг марказлари ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар натижасида оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан олганда камайиб, 65 тадан (1991 йил) 24 тага тушди. Ўзбекистонда аёлларнинг ўртача умр кўриши 70 ёшдан 74,6 ёшга узайди.

Давра суҳбатида хотин-қизларга оид давлат сиёсати, улар билан олиб борилаётган ишларнинг устувор йўналишлари ҳақида, демократик жамият барпо этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аёлларнинг тобора ортиб бораётган роли тўғрисида, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш хусусида манфаатдорлик билан баҳс-мунозара юритилди. Дипломатик корпус вакилларининг эътибори Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш масаласига қаратилди. Баҳс-мунозаралар асосида БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини бажариш юзасидан ўзаро фикр алмашинилди, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш масаласи муҳокама қилинди, шу масалага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, дипломатик корпус, хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари, хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЎзА.

8 март – Аёллар куни

ФЕРМЕР АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ

Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси қошида ташкил этилган «Ташаббускор аёл» маркази фермерлик билан шуғулланаётган йигирма минг нафар хотин-қизнинг малакасини ошириш ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол кўмаклашмоқда. Марказ фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилмоқда. Яқинда Андижон вилоятида ана шундай филиал иш бошлади.

– Хотин-қизлар орасида тадбиркор ва фермер аёллар тобора кўпайиб бормоқда, – дейди ушбу филиал раҳбари Ойсулув Солиева. – Мақсадимиз бундай аёлларга қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ҳамда сервис соҳасида зарур маслаҳатлар бериб, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда кўмаклашиш.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида берилаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, вилоятда фермер аёллар сонини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир. Ҳозир вилоятимизда аёллар раҳбарлик қилаётган бир минг уч юздан зиёд фермер хўжалиги мавжуд.

Андижон туманидаги «Омад 97» фермер хўжалиги 100 гектар майдонда пахта, ғалла ва сабзавот етиштиради. Шунингдек, бу ерда ташкил этилган иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириш йўлга қўйилган.

«Ташаббускор аёл» маркази филиали фермер аёлларга имтиёзли кредитлар олишда яқиндан кўмак бераётир. «Мирзакалон саховати», «Саҳро кемаси» каби хўжаликларда ушбу кредитлар ҳисобидан сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Мардона мард» фермер хўжалиги эса паррандачилик билан ҳам шуғуллана бошлади.

Мамлакатимизда фермер аёллар учун яратилаётган бундай имтиёзлар ва шарт-шароитлар тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

ЎзА.

ОИЛА – МУҚАДДАС ГЎША

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Бу Дастур ёшларнинг, шу жумладан оилаларимизнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ҳужжат бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Оила фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми саналиб, муайян ижтимоий вазифани бажаради. Аввало у комил инсонни тарбиялайди, миллий қадрият ва анъаналарнинг бардавомлигини таъминлайди. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳалоллик, ростгўйлик, шарму ҳаё, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар азал-азалдан оилада шаклланган.

Асосий қонунимиз – Конституцияда оила масалаларига алоҳида боб бағишланганлиги ҳам унинг давлат муҳофазасида эканлигининг яққол тасдиғидир. Конституциянинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» деб қайд этилган. Бу модда оиланинг жамиятимизда тутган ўрнини, унинг мавқеини мустаҳкамлайди.

Республикамизда оилани мустаҳкамлашга, унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илғор тизими шакллантирилди. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш болалар, шунингдек кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий қатлам ҳисобланади.

1994 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда моддий ёрдам бериш жорий қилинган. 1996 йил 10 декабрда чиқарилган «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» Фармонда 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ёрдамга муҳтож болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 175 фоизигача нафақалар берилиши белгиланган.

Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигига энг муҳим масалалардан бири сифатида қаралади. Республикамизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш борасида 1998 йил 1 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқларда ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она-бола скрининги» Давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарори қабул қилинганлиги бу соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшди, десак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида эса ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ёшларнинг меҳнат фаолиятини бошлаши ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун уларнинг барқарор даромад манбаларига эга бўлиши ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар белгиланган.

Республикамизда мавжуд бўлган турли нодавлат ташкилотлари – шу жумладан «Маҳалла», «Наврўз», «Орол», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармалар ҳам оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этаётганлари қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси ота-оналарга ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятини юклайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир» (Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., 1994. – 128-бет). Фарзандни дунёга келтириб, унга керакли билимларни бериш, вояга етганида уйли-жойли қилиш каби масъулиятли вазифа ҳар бир ўзбек оиласи учун азал-азалдан давом этиб келаётган анъанадир.

Мамлакатимизда фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси). Она билан бола ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, ота-она қайд этилган никоҳда эканлиги ёки никоҳдан ўтмаганлигидан қатъи назар, боланинг қон-қариндошлик фактига асосланади.

Соғлом муҳитда тарбияланган инсон ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт. Конституциянинг 66-моддаси ҳар бир вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзанднинг ўз ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиши мажбурийлигини белгилайди. Фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари ҳам ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадриятларидан ҳисобланади ва ҳар бир фарзанднинг ахлоқий мажбуриятидир. Болалар ўз ота-оналари олдидаги мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан таъминланади ва ота-оналарнинг таъминоти учун алимент ундириш масаласи суд тартибида ҳал қилинади.

Лаълихон ХОЖИХОНОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси.

УШБУ СОНДА

1-бет — 8-март – нафосат айёми
2-3-бетлар — Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
4-бет — Амалий бухгалтерия
7-10-бетлар — Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?

$1 = 1297,28 сўм €1 = 1913,71 £1 = 2565,89 сўм ¥10 = 121,63 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
pr44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

Ҳафта қўнғироғи

ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТОПИШ УСУЛЛАРИ

Газетангизнинг бир нечта материалида солиқ ҳисоботининг янги шакллари* «Norma» АҲТ ва www.norma.uz сайтида жойлаштирилганлигини хабар қилдингиз. Бироқ уларни айтилган жойлардан топа олмаяпмиз, чораклик ҳисобот бериш вақти эса яқинлашиб қолди...

www.norma.uz сайтидаги бош саҳифада тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган солиқ ҳисоботининг янги шакллари берилган, уларни ёзиб олиш ва қоғозга чиқариш мумкин.

1. Бунинг учун **«Новости сайта»** рукнида **«Формы налоговой отчетности»** гиперҳаволаси ёки чапдаги менюда **«Налоговая отчетность»**га киринг.

2. Очилган **«Загрузка файла»** мулоқот дарчасида **«Открыть»** ёки **«Сохранить»**ни танланг. **«Сохранить»** тугмачасини босиб, файлни компьютерингиздаги исталган папкада nalog_otchet_rus.rar номи билан WinRAR архиви кўринишида сақланг. **«Открыть»** тугмачаси босилганда файл вақтинчалик (Temporary) папкада WinRAR архиви кўринишида ҳам жойланади, бунда жойланиш тугаганидан кейин WinRAR дастури дарчаси автомат равишда очилади.

3. Сичқончанинг чап тугмачасини **«Формы налоговой отчётности»** папкаси устида икки марта босиш билан WinRAR дарчасида солиқ ҳисоботининг шакллари бланкалари билан биргаликда солинган папкалар рўйхати очилади.

4. Шунингдек сичқончанинг чап тугманасини сиз танлаган ҳар қандай солинган папка устида икки марта босиш билан унда жойлашган файл Microsoft Word форматига ўтади.

5. Сичқончанинг чап тугмачасини ўзгарган файл устида икки марта босиб, ҳужжат матнини очасиз, уни қоғозга чиқариш мумкин.

«Norma» АҲТда солиқ ҳисоботи бланкаларини кўриш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бош каталогидан **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари»** папкасини, сўнгра навбатма-навбат **«Умумий масалалар»**, **«Солиқ ҳисоботи шакллари»** папкаларини топиш лозим. Бланкалар кўриб чиқиш ва қоғозга чиқариш учун иккита папкада берилган. N

** Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

ҚЎЙИЛМАЛАР ЧЕГАРАЛАНМАЙДИ

Президентнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3968-сон Фармонига *(«СБХ» газетасининг 8 (708)-сонида чоп этилган)* **мувофиқ,** 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда банклар Ўзбекистон резидентлари – жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини омонатларнинг миқдорини чекламаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар. Резидент жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларга қўйиладиган маблағлар манбалари декларация қилинмаслиги ва 2008 йил 1 апрель – 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши белгиланди.

Республика банкларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи жисмоний шахслар ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган банклардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сири ҳисобланадиган бошқа маълумотларни сўраб олиш қатъиян тақиқланади.

«ЖЕНЕРАЛ МОТОРС» – ЎЗБЕКИСТОНДА

Президентнинг 2008 йил 21 февралдаги «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида» ПҚ-800-сон қарори қабул қилинди *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

«Ўзавтосаноат» АК, «ЎзДЭУавто» ЁАЖ, «Женерал Моторс» (АҚШ) корпорацияси ва «Женерал Моторс Дэу Авто энд Технолоджи» (Жанубий Корея) компанияси томонидан 2007 йил 8 октябрда «ЎзДЭУавто» ЁАЖ негизида хорижий инвестициялар иштирокида устав капиталини рўйхатга олиш кунида эквиваленти 266,7 млн АҚШ доллари миқдорида бўлган ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида Битим имзоланди.

ТИАИСВ томонидан Ўзбекистон ҳукумати номидан «Женерал Моторс» корпорацияси, «Женерал Моторс Интернейшнл Холдингс» компанияси билан тузилган Инвестиция битими тасдиқланди. Давлат мулки қўмитасига 66,7 млн АҚШ доллари эквивалентидаги «ЎзДЭУавто» ЁАЖнинг қўшимча акциялари чиқарилишини рўйхатга олиш топширилди.

«Ўзавтосаноат» АК 2005-2007 йиллар якунлари бўйича шаклланган, тақсимланмаган фойда ҳисобидан қўшилган, «ЎзДЭУавто» ЁАЖдан олинадиган дивидендлар тарзидаги даромадлар бўйича фойда солиғи тўлашдан озод этилди.

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ ва унинг хорижий ходимларига 5 йил муддат давомида солиқлар, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод этиш кўринишидаги бир қатор имтиёзлар тақдим этилмоқда. Шунингдек корхона қарорга иловага мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайтдан бошлаб жорий этилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 31 декабригача тугаши билан яна беш йиллик муддатга узайтирилиши белгиланган.

СУРГИЛ – 4 МЛРД КУБ МЕТР ТАБИИЙ ГАЗ, ШУНИНГДЕК...

Президентнинг «Сургил конини комплекс ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» қарорига *(2008 йил 18 февралдаги ПҚ-797-сон)* мувофиқ, қимматли компонентларни ажратиб олган ҳолда конни комплекс ободонлаштириш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» МХК билан Корея компаниялари консорциуми («Lotte Daesan Petrochemical Corporation», «LG International Corporation», «SK Gas ва STX Energy») ўртасида республикада устав жамғармаси эквиваленти 600 млн доллардан кам бўлмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ташкил қилинади.

Корхонани қуриш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш даврида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ у олиб келинадиган ускуналар ва материаллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек лойиҳа доирасида хорижий компаниялар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиғи тўлашдан ва Устюрт ГККда маҳсулот ишлаб чиқарилишидан бошлаб ўн йил муддат, аммо Консорциумнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини қайтариш муддатидан ошмайдиган даврда фойда солиғи, мол-мулк солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан озод этилади.

ШҲТ ВА БОЖХОНА

Президентнинг 2008 йил 27 февралдаги ПҚ-801-сон қарори билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2007 йил 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган халқаро шартнома – Божхона ишларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Битим тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

СПОРТ МАЖМУАЛАРИГА – СИФАТЛИ СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 февралдаги 26-сон қарори билан 2008-2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Дастур ўз ичига: спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 4 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1212,96	1 Малайзия ринггити	404,97
1 Англия фунт стерлинги	2565,89	1 Польша злотийси	550,32
1 Дания кронаси	260,82	1 СДР	2067,89
1 БАА дирҳами	353,28	1 Туркия лираси	1093,09
1 АҚШ доллари	1297,28	1 Швейцария франки	1208,91
1 Миср фунти	236,78	1 ЕВРО	1913,71
1 Исландия кронаси	19,67	10 Жанубий Корея вони	13,77
1 Канада доллари	1311,05	10 Япония иенаси	121,63
1 Хитой юани	181,81	1 Россия рубли	53,30
		1 Украина гривнаси	256,89

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	5.03.2008	1	0,8431	1	1,2809	1	0,0351
Арманистон	5.03.2008	1	308,40	1	468,95	1	12,82
Беларусь	6.03.2008	1	2146,00	1	3255,59	1	89,24
Грузия	5.03.2008	1	1,542	1	2,3425	1	0,0641
Қозоғистон	6.03.2008	1	120,82	1	183,33	1	5,02
Латвия	6.03.2008	1	0,463	1	0,702804	1	0,0193
Литва	6.03.2008	1	2,2783	1	3,4528	10	9,4685
Молдова	5.03.2008	1	11,1262	1	16,9297	1	0,4631
Тожикистон	5.03.2008	1	3,4517	1	5,2476	10	1,4353
Ўзбекистон	4.03.2008	1	1297,28	1	1913,71	1	53,30
Украина	5.03.2008	100	505,00	100	767,903	10	2,10
Эстония	5.03.2008	1	10,3053	1	15,6466	1	0,42847

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

2008 йил 4 март ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1309,00	1311,00	1914,00	1942,00
"Асака" банки	1309,00	1311,00	1914,00	1919,00
"Ўзсаноатқурилишбанки"	1310,00	1312,00	1915,00	1925,00
"Пахта Банк"	1310,00	1312,00	1930,00	1935,00
"Халқ банк"и	1309,00	1311,00	1914,00	1927,00
"Ипотекабанк"	1310,00	1312,00	1914,00	1920,00
"Микрокредитбанк"	1310,00	1312,00	1932,00	1935,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1307,00	1312,00	1985,00	1994,00
"UzKDBбанк"	1310,00	1312,00	1914,00	1925,00
"Ғаллабанк"	1310,00	1312,00	1914,00	1923,00
"Трастбанк"	1310,00	1312,00	1914,00	1924,00
"Алп Жамол банк"	1309,00	1311,00	1931,00	1934,00
"Алоқабанк"	1310,00	1312,00	1915,00	1943,00
"Ў-Т банк"	1307,00	1312,00	1914,00	1936,00
"Туронбанк"	1309,00	1311,00	1913,00	1923,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1309,00	1311,00	1915,00	1955,00
"Ипак йўли" банки	1310,00	1312,00	1932,47	1935,42
"Туркистон" банк	1310,00	1312,00	1910,00	1915,00
"Даврбанк"	1307,00	1312,00	1915,00	1935,00
"Кредит-Стандарт" банки	1310,00	1312,00	1914,00	1942,00
"Капитал банк"	1310,00	1312,00	1913,80	1942,00
"Содерат банк"	1309,00	1311,00	1914,00	1942,00
"Ҳамкорбанк"	1308,00	1310,00	1850,00	1950,00
"Универсалбанк"	1310,00	1312,00	1932,00	1935,00
"Парвинабанк"	1307,00	1312,00	1916,00	1919,00
"Равнақбанк"	1309,00	1311,00	1914,00	1942,00

"Банк ахборотномаси" 10-сон (617) 2008 йил 5 март.

УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
- Аёл, давлат ва жамият
- Фермер аёллар фаоллиги
- Оила – муқаддас гўша **1-бет**

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Ҳисобот шаклларини топиш усуллари
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **2-3-бетлар**

✓ **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
- Ҳисобварақ-фактурага акциз солиғи киритилади **4-бет**

✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
- Фуқаролик ёки меҳнат шартномаси. Қайси бири яхшироқ?
- Амал синови **5-6-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:
- "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисида";
- "Хорижий инвестициялар иштирокида "Женерал Моторс Ўзбекистон" корхонасини барпо этиш тўғрисида" (кўчирма);
- "Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида".

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
- ЎзР МББнинг "Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан тақдим этилди:
- "Вилоят ҳудудида қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона ставкалари тўғрисида". **7-10-бетлар**

✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** **11-16-бетлар**

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

рўйхатини ва уларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестициялар лойиҳалари рўйхатини; спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва уларга бўлган эҳтиёжнинг прогноз ва мақсадли параметрларини; ишлаб чиқариладиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг сифатини такомиллаштириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини олади.

ДАВЛАТ БАҲОЛАЙДИ

Давлат мулки қўмитаси ва Мудофаа вазирлигининг қўшма қарори билан «Ҳарбий-техник мулкни баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси Миллий стандарти тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 16 февралда 1769-сон билан рўйхатдан ўтказилди).*

Ушбу Миллий стандарт республикадаги ҳарбий-техник мулкни баҳолашни норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди ҳамда умумий тушунча ва атамаларни ўрнатади, баҳолаш фаолиятининг мазкур соҳасида қиймат турлари ва ёндашувларини белгилайди.

2008 йил 26 февралдан кучга кирди.

ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ҲУЖЖАТЛАР

Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2008 йил 16 февралда 1770-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни тасдиқлаш ҳақидаги **меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган барча ҳужжатлар ўз кучини йўқотди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

* * *

Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 19 февралда 1771-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан қуйидагилар ўз кучини йўқотди: Экспорт қилиш тақиқланган товарларни мусодара қилиш тартиби ва Солиқ органлари томонидан савдо, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фаолиятини текширишдан ўтказиш ва давлат назоратини амалга ошириш тартиби *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

* * *

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2008 йил 19 февралда 499-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган хусусий қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш, рўйхатга ва ҳисобга олиш тартиби ўз кучини йўқотди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

БОЖХОНА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди *(АВ томонидан 2008 йил 19 февралда 1272-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

Малака имтиҳонларини ўтказиш шакли билан уларни қабул қилувчи ҳайъат таркиби аниқлаштирилди. Ҳужжат шунингдек қониқарсиз баҳо олган даъвогарга ўқиш тугаган санадан бошлаб бир йилда бир марта имтиҳонни қайта баҳолаш ҳуқуқини берадиган меъёр билан тўлдирилди. Бунинг учун даъвогар штатида турган юридик шахс навбатдаги имтиҳон бошланишига қадар камида 15 кун аввал Давлат божхона қўмитасига ёзма равишда мурожаат этиши керак. Такроран қониқарсиз баҳо олинган тақдирда эса даъвогар умумий асосларда мутахассисликнинг тўлиқ курсини қайтадан ўқиши лозим.

Тегишли билим ва тажрибага эга бўлган даъвогар махсус тайёргарликдан ўтмасдан туриб (экстерн йўли билан) имтиҳон топшириш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Бироқ қониқарсиз баҳо олган тақдирда у умумий асосларда мутахассисликнинг тўлиқ курсини ўқиши лозим.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари штатида турган божхона расмийлаштируви мутахассислари (божхона брокери эмас) иш жойини ўзгартириши ёхуд ишдан бўшаши ҳақида, шунингдек юридик шахсларнинг ҳақиқий жойлашган жойи (почта манзили) ва телефон рақамлари ҳақида ДБҚни 3 иш куни давомида хабардор қилишлари керак. Улар томонидан бошқа юридик шахс ёхуд божхона брокерига тегишли бўлган БЮД, БКД, БҚТ ва уларга қўшимча варақлардан фойдаланиш тақиқланади.

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

МАМЛАКАТЛАР ВА ВАЛЮТАЛАР ЯНГИЧА НОМЛАНИШДА

ДБҚнинг қарори *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритилди *(АВ томонидан 2008 йил 19 февралда 834-16-сон билан рўйхатдан ўтказилди).***

Ўзгартишлар божхона мақсадларида ишлатиладиган дунё мамлакатлари ва валюталари классификаторларига тааллуқлидир. Улар ИСО 3166 «Дунё мамлакатлари классификатори» ва ИСО 4217 «Валюталар ва фондларни тақдим этиш кодлари» халқаро стандартлари асосида янги таҳрирда баён этилган.

Мамлакатлар классификатори ўз ичига мамлакатларнинг рақамли ва ҳарфли кодлари ва мамлакатларнинг номлари рўйхатини олади. Валюталар классификатори эса валюталарнинг рақамли ва ҳарфли кодлари рўйхати, уларнинг номи ҳамда мамлакатлар ва ҳудудларнинг қисқача номларини ўз ичига олади.

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

БАДИИЙ КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛАДИ...

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди *(АВ томонидан 2008 йил 19 февралда 1385-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Тўлиқ метражли ва қисқа метражли бадиий фильмлар, шунингдек ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларнинг параметрлари аниқлаштирилди. Шунингдек, «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун фильмларни ва бошқа кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажмларини бажаришга буюртмаларни олиш бадиий кенгашнинг бадиий танлов (конкурс) орқали киносценарийни қабул қилиш ҳақидаги қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.

2008 йил 29 февралдан кучга кирди.

ЦЕМЕНТГА ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИ СОЛИНАДИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 21 февралда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилди).*

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти – солиқ тўловчининг ҳисобот даври учун даромади бир қисми бўладиган, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, цемент ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахслар қўшимча фойда солиғини тўловчилар ҳисобланади. Солиқ солинадиган база – қўшимча фойда солиғи. Солиқ ставкаси 75% этиб белгиланди. Қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қўшимча фойда солиғи суммасидан ҳисоблаб чиқарилган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар суммасига камайтирилди.

2008 йил 2 мартдан кучга кирди.

БЮДЖЕТ СОҲАСИДА ИШЛОВЧИ ОНАЛАРГА НАФАҚА ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди *(АВ томонидан 2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

Мазкур ҳужжат билан Низом бюджет соҳасида ишлаётган оналарга татбиқ этилмаслиги белгиланган. Бошқа корхона ва ташкилотларда ишлаётган оналарга (улар ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа мазкур корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. Уларни тўлашга сарфланган маблағлар давр харажатларига киритилади ҳамда ушбу суммага юридик шахсларнинг фойда солиғи солинадиган база камайтирилади.

2008 йил 9 мартдан кучга киради.

ЭЛЕКТР ҚОЗОНЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг буйруғи билан Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 29 февралда 1775-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Низом янги ишга туширилаётган ва ишлаётган объектларда иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва электр энергияси истеъмолчилари бўлиб ҳисобланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларга тааллуқлидир. Истеъмолчилар ўз объектларида электр қозонлари ва бошқа электр иситиш асбобларини ўрнатишда лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин электр энергиядан фойдаланилишини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат»да ва унинг ҳудудий бўлимларида келишиши лозим.

2008 йил 10 мартдан кучга киради.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008йил 17 февралдан 1 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламмаси»нинг 8-9-сони асосида тайёрланди.

● РЕКЛАМА

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

NORMA иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?
Янги Солиқ кодекси чиқдими??
Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС

"АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ"
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар



"АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ"
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

● Тушунтиришлар ● Шарҳлар ● Тавсиялар

Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирмаймиз – Биз тўлиқ ахборот берамиз!

Қўшимча ахборот учун телефонлар: 144-89-17, 144-44-29, 232-18-80

"Бератор Гроссбух" – бухгалтер ва раҳбар саволига тезкор жавоб

Нима учун қонунларнинг компьютер базасига эга бухгалтерлар ҳам янглишадилар?
Бухгалтерияни юритишнинг икки хил усули бор

1. Қонунларни мустақил ўқиб, уларни хатосиз шарҳлашга уриниш.

2. ОДДИЙГИНА ўз рақамларини "Бератор - Гроссбух"даги тайёр вазиятларга қўйиш.

1. Агар иккита бухгалтер биргина қонунни ўқиса, уларнинг ҳар бири уни бироз ўзича қўллайди. Ўтказмалар, ҳисоблаб ёзиш, ҳужжатларни тўлдиришда нимасидир фарқланади. Зеро бу улардан бири бухгалтерияга оид хато қилганидан дарақдир.
2. "Раҳбар учун бератор" бутун фаолият бўйича 800 та бошқарувга оид вазият.

Қонунларни ўқиш осон уларни хатоларсиз қўллаш қийинроқ. Ташкилотнинг бутун фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи, етакчи аудиторлар ва юристлар илмий гуруҳидан 800 та вазият. (Ўтказмалар, ҳисоблаб ёзишлар, мисоллар ва қонунларга ҳаволалар).

"Бухгалтерия" + "Солиқ солиш" + 12 та янгилаш = ҳали ҳам 117 000 сўм (бироқ иккита маълумотнома учун!!!) ёки 40000 сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш.

Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан қўллашга тавсия этилган "БТЛ" МЧЖ ва "Академпресса". Сарлавҳа, Бератордан лавҳалар ва шартномалар факс ва e-mail орқали. www.berator.ru Тел.: 1420542, 1420696

Барча ҳуқуқлар himoyalangan.

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАГА АКЦИЗ СОЛИҒИ КИРИТИЛАДИ

? ***Биз мижоз – юридик шахсга унга кўрсатилган хизматлар учун ҳисобварақ-фактура ёздик. Унинг бухгалтерияси эса шакл ўзгарди деб, ҳужжатни қабул қилмади. Бундан ташқари, ҳисобварақ-фактурада акциз солиғини кўрсатиш зарур экан. Ҳисобварақ-фактуранинг янги шаклини қаердан топса бўлади, уни қандай тўлдириш керак? Биз акциз солиғи тўламаймиз, бу ҳолда нима қилишимиз лозим?***

Ж.Исмоилова, бухгалтер.
Қўқон шаҳри.

Ҳисобварақ-фактурани, ҚҚС ва/ёки акциз солиғини тўловчи бўлиш-бўлмасликларидан қатъи назар, барча юридик шахслар расмийлаштиришлари шарт, *бундан қуйида кўрсатилган:*

1) йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш;

2) товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;

3) товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

4) қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштириладиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, Солиқ кодекси* 204-моддасининг ўнинчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварақ; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам ҳисобварақ-фактура ёзилмайди;

5) банк операцияларини мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш;

6) суғурта хизматларини кафиллик шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш;

7) ишлар (хизматлар), ҳисобварақ-фактурага тақдим этиладиган ахборот мавжуд бўлганида ҳақиқатда ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжатлар деб ҳисобланадиган ҳоллар мустасно.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» қарори билан *(АВ томонидан 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* ҳисобварақ-фактуранинг янги шакли ва уни тўлдириш тартиби тасдиқланди *(қарорга 3-илова)*.

Умуман олганда ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш тартиби ўзгармади. Лекин янги шаклда акциз солиғи ставкаси ва суммасини кўрсатиш учун устунлар жорий этилди – илгари бундай шаклни фақат акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қўллаганлар.

Ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисми қуйидагича кўринишга эга бўлди:

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиги		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жами тўлашга									

Уни тўлдираётганда қуйидагиларни кўрсатиш керак *(1-мисолга қаралсин)*:

1-устунда – реализация қилинаётган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) номи;

2-устунда – ўлчов бирликлари (уларни кўрсатиш мумкин бўлса);

3-устунда – ўлчов бирликларидан келиб чиққан ҳолда реализация қилинаётган товарларнинг миқдори (ҳажми);

4-устунда – қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмасдан, ҚҚСни ўз ичига оладиган давлат тартибга солиш нархларини (тарифларини) қўллаш ҳолатида эса – ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда шартнома (контракт) бўйича ўлчов бирлигига нарх (тариф);

5-устунда – акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғисиз реализация қилинаётган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бутун миқдорининг (ҳажмининг) қиймати;

агар ҳисобварақ-фактура бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга) ёзилса, 5-устунда уларнинг қиймати акциз солиғи ва ҚҚСсиз кўрсатилади, 3 ва 4-устунлар эса тўлдирилмайди, 2-устунда эса пул ифодасида ўлчов бирлиги кўрсатилади;

6-устунда – акцизли товарлар бўйича акциз солиғи ставкаси;

7-устунда – акцизли товарлар бўйича акциз солиғи суммаси.

(Акциз солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 6 ва 7-устунларда акциз солиғини кўрсатмайдилар, «Акциз солиғисиз» штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар);

8-устунда – қўшилган қиймат солиғи ставкаси; агар товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС тўлашдан озод қилиш мавжуд бўлса, устунга чизиб қўйилади;

9-устунда – товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси; товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚС тўлашдан озод қилинган тақдирда устунга чизиб қўйилади.

ҚҚС тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 8 ва 9-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ва «қўшилган қиймат солиғисиз» штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар);

10-устунда – акцизли товарлар бўйича акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда реализация қилинаётган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) бутун миқдорининг қиймати. Акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган корхоналар 10-устунни тўлдирмайдилар.

Ҳисобварақ-фактуранинг якуний сатрида 5, 7, 9 ва 10-устунлар бўйича суммалар келтирилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати ҳамда ҚҚС ва акциз солиғи суммалари ҳисобварақ-фактурада миллий валютада кўрсатилади.

Тузилган шартномаларнинг шартларига кўра товарларга (ишларга, хизматларга) нархларни хорижий валютада белгилайдиган юридик шахслар ҳисобварақ фактурани хорижий валютада ёзиб, айни вақтда ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланган миллий валютада акс эттирадилар.

Ҳисобварақ-фактурани раҳбар ва бош бухгалтер имзолайди ҳамда корхона муҳри билан тасдиқланади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар товарларни етказиб беришга доир юкхатларни ҳисобварақ-фактураларга алмаштирсалар, «Ишончнома бўйича олинди» белгилари тўлдирилади. Бунда агар хўжалик юритувчи субъект, товарларни етказиб беришга ҳисобварақ-фактураларни ёзишдан ташқари, ишончнома бўйича олинганлиги тўғрисида белги қўйиладиган юкхатларни тўлдирса, ҳисобварақ-фактурада мазкур белгилар тўлдирилмайди. Улар ҳақиқатда олинганлиги далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа шу сингари ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бажариладиган ишлар (кўрсатилган хизматлар) бўйича ҳам тўлдирилмайди.

Солиқ солинадиган базага товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчи кўпайтириш (камайтириш) томонига тузатишлар киритганида янги ҳисобварақ-фактура тузилади, уни кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни олувчи тасдиқлайди. Янги ҳисобварақ-фактура «Илгари ёзилган ҳисобварақ-фактура ўрнига» белгиси қўйилган ҳолда ёзиб берилади.

Корхоналар иккита реестр – келиб тушган ва қўйилган ҳисобварақ-фактуралар (уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрларини юритишлари ҳам шарт. Бунда харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестри солиқ инспекциясига Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига илова сифатида тақдим этилади.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари реализация қилинганида ҳисобварақ-фактура шаклининг жадвал қисми қуйидагича тўлдирилади *(2-мисолга қаралсин)*:

1-устунда – асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш объектлари номлари кўрсатилади;

2-устунда – ўлчов бирлиги кўрсатилади;

3-устун «Миқдори» – тўлдирилмайди;

4-устун «Нархи»да – асосий воситалар ёки номоддий активларнинг қолдиқ қиймати. Тугалланмаган қурилиш объектлари учун – уларнинг ҳақиқатдаги таннархи;

5-устунда – унга Солиқ кодексининг 204-моддаси билан белгиланган солиқ солинадиган оборот миқдоридан ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммасини киритган ҳолда реализация қилиш нархи;

6 ва 7-устунларда акциз солиғи суммаси кўрсатилмайди ва «Акциз солиғисиз» штампи қўйилади (ёки ёзиб қўйилади);

8 ва 9-устунларда – солиқ ставкаси ва Солиқ кодексининг 204-моддасига мувофиқ белгиланган солиқ солинадиган оборот миқдоридан ҳисоблаб чиқарилган сумма *(агар Солиқ кодексининг 204-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлса, 9-устун тўлдирилади. Агар солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, яъни 4-устун суммаси 5-устунда кўрсатилган суммадан катта ёки унга тенг бўлса, 9-устун тўлдирилмайди)*;

10-устунда – унга Солиқ кодексининг 204-моддаси билан белгиланган солиқ солинадиган оборот миқдоридан ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммасини киритган ҳолда реализация қилиш нархи кўрсатилади *(агар 5-устунда кўрсатилган нарх 4-устунда кўрсатилган суммадан катта бўлса, 10-устун тўлдирилади)*.

Асосий воситалар, номоддий объектлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари ҳақ олмасдан топширилганида ҳисобварақ-фактуралар юқорида баён этилганига ўхшаш тартибда тўлдирилади, бироқ «Жами тўлашга» сатрида «Ҳақ тўламасдан» деб кўрсатилади.

Ишлар бажарилганида, хизматлар кўрсатилганида ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш

Ишлар бажариш (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳалаш-қидириш, илмий-тадқиқот ишлари ва ҳоказо) ёки хизматлар кўрсатиш (ташиш, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа ва ҳоказо) билан шуғулланадиган корхоналар белгиланган шаклга мувофиқ ҳисобварақ-фактурани ёзаётганда барча реквизитларни ишлар (хизматлар) ижрочиси ҳамда буюртмачи сифатида тўлдиришлари керак.

Улар томонидан жадвал шакли тўлдирилаётганида қуйидагиларни акс эттириш керак *(3-мисолга қаралсин)*:

1-устунда – бажарилган ишларни (кўрсатилган хизматларни) баён этиш керак;

2-устунда – ўлчов бирлигини пул ифодасида кўрсатиш керак;

3-устун «Миқдори» ва 4-устун «Нархи» тўлдирилмайди;

5-устун «Етказиб бериш қиймати»да акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғисиз бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми кўрсатилади;

6-устунда акциз солиғи ставкаси (олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан акцизли товарлар тайёрланганда) кўрсатилиши керак;

7-устунда Солиқ кодексининг 232-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммасини кўрсатиш керак.

(6 ва 7-устунлар фақат олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан акцизли товарлар тайёрланаётганида тўлдирилади, бошқа ҳолларда 6 ва 7-устунлар тўлдирилмайди);

8-устунда – ҚҚС ставкаси;

9-устунда – ҚҚС суммаси;

10-устунда – акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинган ҳолда бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми.

ҚҚС тўловчиси бўлмаган, ишлар бажарадиган (хизматлар кўрсатадиган) корхоналар 8 ва 9-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ва «ҚҚСсиз» штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар).

Агар ишлар бажарадиган корхоналарда имзо чекиш учун буюртмачига тақдим этилган, бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактурада ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс эттирилган барча мажбурий реквизитлар бўлса (ушбу ҳужжат ёзилиши учун асос бўладиган шартноманинг рўйхат рақами ва санаси, номи, манзили, СТИР), ҚҚС ставкаси ва суммаси алоҳида ажратилган, ҚҚС тўламайдиганлар бўйича «ҚҚСсиз» белгиси бўлса, уларнинг қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзишлари керак эмас, чунки мазкур ҳолда «бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактура» ана шундай ҳужжат ҳисобланади.

1-МИСОЛ. Корхона акцизли маҳсулот ишлаб чиқаради. Акциз солиғи ставкаси – 25 фоиз. ҚҚС ва акциз солиғисиз товарнинг нархи 87 000 сўмни ташкил қилади.

1 товар бирлиги реализация қилинганида ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисмини қуйидагича тўлдириш керак:

Товар-лар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиги		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Товар номи	дона	1	87 000	87 000	25%	21 750	20%	21 750	130 500
Жами				87 000		21 750		21 750	130 500
Жами тўлашга	Бир юз ўттиз минг беш юз сўм								

2-МИСОЛ. Корхона металл қирқувчи дастгоҳни 56 000 сўмга сотди. Унинг бошланғич қиймати 450 000 сўм эди, дастгоҳдан фойдаланиш вақти учун ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси 420 000 сўмни ташкил қилди.

Мазкур вазиятда дастгоҳ 56 000 сўмга, яъни 30 000 сўмга тенг бўлган (450 000 - 420 000) қолдиқ қийматдан юқори нархда сотилган. Бинобарин, ҚҚС солиш объекти 26 000 сўмни (56 000 - 30 000) ташкил қилади. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси эса 4 333 сўмга (26 000 х 20/120) тенг.

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиги		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Металл қирқувчи дастгоҳ	дона	1	30 000	56 000	акциз солигисиз		20%	4 333	56 000
Жами				56 000				4 333	56 000
Жами тўлашга	Эллик олти минг сўм								

3-МИСОЛ. Корхона ахборот хизматларини кўрсатади, уларнинг қиймати 120 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС 20 минг сўмни ташкил қилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	Акциз солиги		ҚҚС		ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ахборот хизматлари	сўм			100 000	акциз солиғисиз		20%	20 000	120 000
Жами				100 000				20 000	120 000
Жами тўлашга	Бир юз йигирма минг сўм								

* *2008 йил 1 январдан амалга киритилди, 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган.*

ФУҚАРОЛИК ЁКИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. ҚАЙСИ БИРИ ЯХШИРОҚ?



Корхонанинг фаолиятини ташкил этаркан, кўп раҳбарлар унда иштирок этаётган шахслар билан муносабатларни меҳнат шартномалари билан эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан «мустаҳкамлашни» афзал кўрадилар. Икки хил шартноманинг раҳбар учун ҳам, корхона билан шартнома тузган шахс учун ҳам мақбул ва номақбул жиҳатларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Меҳнат шартномаси *тарафлари бўлиб иш берувчи ва ходим ҳисобланади, бунда ходим иш берувчига бўйсунади (субординация муносабатлари). Меҳнат шартномаларини бажараётганда юзага келадиган тарафларнинг барча муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.* ***Фуқаролик-ҳуқуқий*** *муносабатларда тарафлар (уларни шартли равишда буюртмачи ва ижрочи деб номлаймиз) тенг шароитларда бўлишади (мувофиқлаштириш муносабатлари), яъни шартнома тарафларидан бирортаси ҳам бошқа тарафга бўйсунмайди.*

Меҳнат жараёнига ҳақ тўланадиган меҳнатга оид муносабатлардан фарқ қилиб, фуқаролик муносабатларида фақат иш натижасига ҳақ тўланади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар бўйича ишларнинг натижалари ёлланма ходим фаолиятининг натижаларига яқиндир. Уларнинг энг кўп тарқалганларига пудрат ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини киритиш мумкин.

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ПОЗИЦИЯСИДАН:

Фуқаролик шартномасини расмийлаштириш анча осон: ходим шахсий варақчасини юритиш, меҳнат дафтарчасини тўлдириш, иш вақтини ҳисобга олиш табелини юритиш керак эмас. Бунинг устига, бундай ижрочига таътил учун, касаллик варақаси учун ҳақ тўлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни амалга ошириш керак эмас.

Меҳнатга оид муносабатларга қонун кўп сонли, шу жумладан меҳнат шартномаси мазмунини тартибга соладиган талабларни қўяди. Фуқаролик шартномасига эса тарафларнинг келишувига кўра исталган, қонунга зид бўлмаган, тарафлар ўзлари учун мақбул деб ҳисоблайдиган шартларни қайд этиш мумкин. Масалан, **агар фирма ходими моддий жавобгар шахс ҳисобланмаса, у томонидан меҳнат фаолиятида фойдаланиладиган у ёки бу моддий бойликларнинг бут сақланиши учун жавобгарлик иш берувчининг зиммасида бўлади.** Фуқаролик тусидаги шартнома бўйича ушбу жавобгарликни ижрочи зиммасига юклаш мумкин. Бироқ фуқаролик шартномасини тузаётганда фуқаролик битимларига нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилиш керакли-гини билиш лозим. Фуқаролик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унда мажбуриятларни бажариш муддати ва жойи, ишларнинг турлари албатта кўрсатилиши керак, улар ҳақ тўланадиган, қайд этилган аниқ натижага эга бўлишлари керак ва ҳоказо.

ХОДИМНИНГ ПОЗИЦИЯСИДАН:

Меҳнат шартномасини тузувчи фуқаролик шартномаси бўйича ижрочига қараганда юқорироқ мавқеда бўлади деган фикр тарқалган. Ходим корхонада меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳуқуқ ва кафолатларнинг кенг мажмуидан фойдаланади. Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мақбул жиҳатлар ҳам мавжуд: ижрочи корхонада белгиланган ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунадиган штатдаги ходимдан фарқли равишда интизомий жавобгарликка тортилмайди; у ўз меҳнатининг мослашувчан жадвалини белгилаши мумкин ва ҳоказо. Меҳнат жараёнини ташкил этишда фуқаролик шартномаси бўйича ижрочи ходимга қараганда эркинроқ бўлади.

***

Агар раҳбар меҳнат шартномаларига қараганда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни афзал кўрса, бунда у маълум маънода фуқаролик муносабатларини танлаган бўлади, уларга тарафларнинг ва у билан боғлиқ ижрочи учун афзалликларнинг тенглиги хосдир. Корхона маъмуриятининг фуқаролик шартномалари бўйича жалб этилган ижрочиларни ходимлар учун белгиланган талабларга бўйсундиришга уринишларида эса қуйидагиларни эътиборда тутиш лозим. Ижрочи ҳар доим суд тартибида иш берувчи билан ҳақиқатда меҳнатга оид муносабатларнинг мавжудлигини тан олдиришга уриниб кўриш ва Меҳнат кодексида назарда тутилган барча кафолатларни тақдим этишни: таътилга, хизмат сафарларига ҳақ тўлашни, иш муносабати билан унинг соғлиғи ёки молмулкига етказилган зарарни қоплашни ва ҳоказоларни талаб қилиш имкониятига эгадир. Бундан ташқари, бундай вазиятда раҳбар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда маъмурий жарима тўлаш билан маъмурий жавобгарликка *(Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддаси)*, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бир йил давомида такроран бузганда эса жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Мария ТУХТАРОВА,
юрист.

● РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 1394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

АМАЛ СИНОВИ

Компания айрим мутахассисларни, айниқса бухгалтерни танлашга одатда жуда жиддий қарайди, унинг касб малакаси, тўғри, инсоф-тавфиқли эканлигига эътибор қилади. Одам ўзининг бор кўникмасини амалиётдагина тасдиқлаши мумкин, шу сабабли янги ишга жойлашишда муқаррар равишда синов муддатидан ўтиш керак. Экспертларнинг фикрича, бу иш берувчи учун ҳам, мутахассиснинг ўзи учун ҳам фойдалидир.

ҚОНУНГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИБ

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра меҳнат шартномаси тузилаётганда тарафларнинг келишуви билан ходим учун синов муддати белгиланиши мумкин: мутахассиснинг мўлжалланаётган ишга мувофиқлигини текшириб кўриш мақсадида шундай қилинади *(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддаси)*. Бундай тартиб меҳнат шартномасида албатта ёзиб қўйилиши керак, акс ҳолда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Касбга яроқлилик нуқтаи назаридан текширишнинг умумий муддати уч ойдан ошмаслиги лозим. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар синов муддатига киритилмайди *(Меҳнат кодексининг 85-моддаси)*, аммо синов муддати янги ходимнинг меҳнат стажига киритилади. Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади *(Меҳнат кодексининг 86-моддаси)*.

Шуниси ҳам борки, амалиётда кўп нарса ходим тузилаётган меҳнат шартномасини қанчалик синчиклаб ўқиб чиққани ва тўғри тушунганлигига боғлиқ. Шартномада баъзан ишга кираётган ходим учун фойдали бўлмаган изоҳ ва шартлар ҳам мужассам бўлиши мумкин. Қолаверса, булар жамоа шартномасида ҳам, агар шундай шартнома тузилган бўлса, айтиб ўтилган ҳоллар ҳам учраб қолади. Шу сабабли энг аввало ишга жойлашиш билан боғлиқ юридик масалаларни пухта англаб билиб олиш зарур.

Агар иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи (у бунга синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина ҳақлидир) бўлса, синов муддати тугашидан уч кун олдин ходимни бу хусусда ёзма равишда огоҳлантириши керак *(Меҳнат кодексининг 87-моддаси)*. Шуниси ҳам борки, бунда фирма мутахассисни синовдан ўта олмади деб топишга асос бўлган сабабларни кўрсатиши шарт. Ходим ўз навбатида иш берувчининг қарори устидан судга шикоят беришга ҳақлидир. Мабодо синов муддати тугаган бўлсаю ходим ишлашда давом этаётган бўлса, у синовдан ўтган ҳисобланади. У билан тузилган меҳнат шартномасини бундан кейин бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, суд амалиётида синов муддатлари якунлари асосидаги низоларни кўриш нисбатан кам учрайди. Лекин бундай ишлар жуда мураккаб, чунки касб малакаси бўйича ходимнинг ишга яроқсизлигига оид далилларни тўплаш анчагина муаммоли ишдир. Меҳнат кодексининг 78-моддасига кўра ишга қабул қилишни асоссиз, ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди, шу боис иш берувчи ишга кириш истагидаги номзодларни танлашга ниҳоятда синчковлик билан ёндашмоғи керак. Ишга қабул қилишдан олдин тест синовидан ўтказиш таомилга айланиб бормоқда. Фирма раҳбари синовдан ўта олмаган ходимни ишга қабул қилишни рад этишига шундай тест натижалари далил бўла олади.

Меҳнатга оид муносабатларнинг шартномада кўрсатилиши жоиз бўлган яна бир муҳим жиҳати ишга жойлашишнинг молиявий масалаларидир. Синовдан ўтаётган мутахассис иш ҳақининг қайси қисми асосий ва қайси қисми қўшимча (мукофот, компенсация ва бошқа тўловлар) эканлигини ҳамда қандай ҳолларда қўшимча маошдан маҳрум бўлиш эҳтимоли борлигини олдиндан аниқлаштириб олиши зарур. Юқорида айтилганидек, синов муддатини бошидан кечираётган ходимлар доимий ишлайдиган ходимлар билан ҳуқуқ борасида тенг. Бинобарин, дастлабки синов даврида уларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ўзида меҳнат ҳуқуқи нормаларини акс эттирган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жамоа шартномаси, келишувлар, бошқа локал ҳужжатлар қоидалари татбиқ этилади. Бу нормаларга амалиётда риоя этиш, жумладан қуйидаги тартибда ифода топади: меҳнат шартномасида ходимга синов муддати мобайнида бирмунча камроқ меҳнат ҳақи белгиланиши қонун ҳужжатларига номувофиқ деб топилади. Негаки, Меҳнат кодексида унинг дастлабки синов давридаги меҳнатига ҳақ тўлашда бирон бир ўзига хос хусусият деб айтилмаган. Шу сабабли ўртада низо келиб чиққан тақдирда ходим тўлиқ тўланмаган иш ҳақи суммасини суд тартибида ундириб олиши мумкин.

Рекрутинг компанияларининг ахборотларига қараганда, мутахассиснинг иш ҳақи суммаси кўпгина шартларга боғлиқ. Бунда компаниянинг катта-кичиклиги, мутахассиснинг тажрибаси, бажариши керак бўлган иш борасидаги билими, шунингдек қўшимча кўникмалар, айтайлик компьютер

6-бетда

АМАЛ СИНОВИ

5-бетда

дастурлари ва чет тилларни билиши ҳам муайян роль ўйнайди. Тошкентда бухгалтернинг меҳнат ҳақи 100 минг сўмдан 700 минг сўмгача ва ундан ҳам ошиши мумкин. Аммо ходим учун синов муддатининг белгиланиши ҳар қандай ҳолда ҳам унинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорига таъсир этмаслиги керак.

ХАТОЛИКДАН ХОЛИ БЎЛИШ ИСТАГИ

Корхона раҳбари синов муддати мобайнида мутахассисларнинг касбга хос бўлмаган ҳаракатлар қилишдан холи бўлишни хоҳлайди. Хусусан, қонун ҳужжатларига мувофиқ *(Меҳнат кодексининг 75 ва 76-моддалари)* ташкилот, масалан, бухгалтер билан беш йилдан ортиқ бўлмаган муҳлатга муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқига эга. Одамни яхшилаб синаш, унинг билими, касб малакасини баҳолаш учун бундай шартномани бир йил муддатга расмийлаштириш ҳам мумкин. Натижада фирма раҳбари муддатли меҳнат шартномаси амал қилишини узайтириш тўғрисидаги узил-кесил қарорни йиллик ҳисобот топшириш якунларига қараб қабул қила олади.

Компания раҳбарининг бундай иш тутиши сабабини қонун ҳужжатларида белгиланган уч ойлик синов муддати тугаганидан кейин ҳам баъзан ходимга баҳо бериш мубҳамлигича қолавериши билан изоҳлаш мумкин. Бухгалтернинг касб борасидаги малакаси ҳақида бир тўхтамга келиш учун кўпинча уч ойлик муддат камлик қилади. Маълумки, ҳисобот даври бир йилни ташкил этади. Борди-ю, мутахассис ишга ҳисобот даврининг ўрталарида ёки охирларида келган ҳамда олдинги бухгалтердан қолган чала ишларни охирига етказган бўлса, унинг синов муддатини иш берувчи қисқартириши мумкин. Негаки бунда янги ходимнинг касб борасидаги савияси дарҳол кўзга ташлана қолади. *(Шуни ҳам назарда тутиш керакки, мамлакатимиздаги ташкилотларда январь ойининг биринчи кунидан бошлаб декабрнинг охирги кунини ҳам ўз ичига олган давр, чет эл компанияларида эса сентябрдан сентябргача бўлган давр молия йили ҳисобланади).*

Баъзи ҳолларда иш берувчи дастлабки синовсиз ҳам ходимни ишга қабул қилиши мумкин. Корхона раҳбари бошқа корхонадан иш тажрибаси ва кўникмасини ўзи яхши биладиган мутахассисни ишга жалб этган тақдирда шундай бўлиши мумкин. Шунингдек, ходимнинг олдинги тажрибаси, берилган тавсиялар унинг малакасини тасдиқлаб турса ва иш берувчини қаноатлантирса, бундай ходим ҳам синов муддатисиз ишга қабул қилиниши мумкин.

Синов муддатини ўтаётган даврда мутахассис корхона маъмуриятини уч кун олдин огоҳлантирган ҳолда истаган пайтда ишдан бўшаши мумкин. Ходимнинг профессионалларга хос бўлмаган, корхонага зарар келтириши эҳтимоли бўлган ҳаракатларидан ўзини холи этиш учун тузилаётган меҳнат шартномасига фирмага етказилган зарар учун ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги тўғрисидаги бандни киритиш мумкин *(Меҳнат кодексининг 185-моддаси)*. Бу мутахассис зиммасига ўз мажбуриятларини бажаришга янада масъулиятлироқ тарзда муносабатда бўлиш вазифасини юклайди. Зотан меҳнатга оид муносабатларнинг зарар етказилганидан кейин бекор қилиниши меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод этмайди.

МАРД... ИШДА СИНАЛАР

Ўз касбини пухта биладиган одам синов муддатидан чўчимайди. Яхши мутахассис аввало ўзига ишонади, қолаверса иш берувчининг ўзи унинг бу ишга ўтишидан манфаатдор.

Дастлабки синов даврида савол сўрашдан тортинмаслик керак. Бинобарин, янги жойда ишлашга талабгор шу йўл билан бу ерда ишлашга астойдил қизиқаётганлигини, вазифасини тезроқ ўзлаштириш иштиёқида эканлигини намоён этади. Тажрибалироқ ҳамкасабаларидан маслаҳат сўраш ҳар хил паст-баланд гаплардан холи бўлиш, шунингдек бирга ишлайдиганлар билан яқин алоқа ўрнатиш имконини беради. Компаниянинг ички тартиб қоидаларини ҳам суриштириб билиб олиш жоиз. Чунки ҳар бир фирмада бир ишни бажаришнинг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Ҳужжатлар йиғма жилдини жавонларга қўйиш тартибидан тортиб, ишда 1С ва Excel тизими билан ишлашдаги таомилларгача қайсидир жиҳати билан фарқланиши мумкин.

Тўғри, бир нарса ҳақида икки марта сўрамаслик керак. Муайян давр, айтайлик бир ойчадан кейин ундан савол эмас, амалий ишлар кутишларини ҳам унутмаслик лозим. Оралиқ хулоса чиқариб, мутахассиснинг касб малакаси иш берувчи кутганидек бўлиб чиққан-чиқмаганлигини аниқлаб олса ҳам бўлади. Табиийки, ана шу вақт ичида янги ходим ўзини яхши тарафдан кўрсатишга ҳаракат қилиши, нимага қодир бўлса, ҳаммасини намоён этиши зарур. Керакли ходим ва мустақил иш юрита биладиган одам сифатида ўзини кўрсата билишида гап кўп. Мустақил иш юритишга қодир мутахассисларни, айниқса йирик компанияларда ёқтиришади.

Берилган вазифаларни ўз муддатида бажариш ҳам касб бобидаги уқувнинг ёрқин далилларидан бири ҳисобланади. Аниқ ва пухта иш тутиш зарур. Синов муддати даврида ишга кечикмаслик керак. Негаки, янги ходимни дастлабки икки ҳафта мобайнидагина эмас, балки бутун синов даври мобайнида кузатишади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки ойларда ишнинг жамики сир-синоатини билиб олиш ва ўзлаштириш учун идорада узоқроқ ушланиб қолишга ҳам тўғри келади. Одатда бундай тиришқоқлик ҳамиша бошлиқларда яхши таассурот қолдиради. Дарвоқе, иш вақтидан ташқари қолиб ишлашнинг жўяли сабаблари ҳам бўлиши мумкин. Компания ўз ходимидан имкон қадар кўпроқ наф олишни истайди. Бу яхши ниятга баъзан раҳбариятнинг мутахассис, айтайлик бухгалтер ташкилотга фойда келтирмаяпти қабилидаги ўй-фикрга бориши соя солиши мумкин. Натижада бухгалтерияда ходимлар етишмайди, тўрт киши ўрнига, масалан икки киши ишлайди. Шундай бўлгач, уларнинг иш ҳажми ҳам табиийки, ортади ва иш кунидан кейин қолиб ишлаш қоида тусини ола бошлайди.

ИШОНИШГА ИШОН, АММО АЛБАТТА ТЕКШИРИБ КЎР

Синов муддатини ўташ фақатгина мутахассис чекига тушадиган қисмат дейиш жилла тўғри бўлмаса керак. Ходим синов муддати мобайнида бу иш ўзига мос келяптими-йўқми, аниқлаб олиши зарур. Янги иш бошлаётган одам ўз касбининг сир-асрорларини, бўлажак ишнинг нозик жиҳатларини пухта илғаб олиш учун ҳам синов муддатидан фойдаланиб қолади. Айни дастлабки синовни ўташ даврида мазкур лавозим билан боғлиқ меҳнат вазифалари ва мажбуриятлар нималардан иборат эканлигини тўла-тўкис билиб олиш мумкин.

Синов муддати ўз кучингни текшириб кўриш ва шу аснода ташкилотнинг ўзини синовдан ўтказиш мумкин бўлган даврдир. Ишга жойлашаётганда суҳбатлашув асносида баъзан ишга кириш истагидаги мутахассисгина эмас, балки иш берувчи ҳам ўзини безаброқ кўрсатади. Ҳаммаси амалда қандай эканлиги эса бағоят муҳим масаладир. Хизмат вазифаси, жамоадаги муносабат, раҳбарлик услуби, қолаверса ҳатто ошхонадаги таомлар сифати ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган нарсалар сирасига киради. Иш жараёнида ходимнинг кўнглига нимадир ўтиришмаётган бўлса, сабабини аниқлаши ва компанияда ишлаш масаласини ҳал этишда бу муҳим, устувор аҳамиятга эгами-йўқми, бир тўхтамга келиши зарур.

Баъзан гап иш ҳақи ва меҳнат шароити сингари принцип жиҳатдан муҳим нарсаларга бориб тақалади. Айтайлик, иш ҳақи камроқ, иш шароити эса иш берувчи айтганларига монанд эмас. Бундан ташқари илгари айтилмаган, аммо бажариш шарт бўлган ишлар чиқиб қолиши ҳам мумкин... Бундай кезлари обдан пухта ўйлаб кўриш зарур. Ҳамонки иш берувчи аввалбошданоқ айёрлик, муғомбирлик қилаётган экан, келгусида ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

Башарти иш жамоа ичидаги муносабатлар нуқтаи назаридан ёқмаётган бўлса, ташкилотни тарк этишга шошмаслик керак. Ходим бирга ишлаб тобига келган, яъни созланган бир жамоага келди, шу сабабли дарҳол унга қўшилиб кетаман деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Янги ҳамкасабаларга ҳам, янги ходимга ҳам мослашиш учун фурсат керак. Бошланишдаги эҳтиёткорлик барҳам топмай, ошкора адоват, ғанимликка айланаётганлиги эса, бутунлай бошқа гап.

ИШЛАРНИ РИСОЛАДАГИДЕК ТОПШИРИШ

Янги бухгалтер ташкилотда ишни аввалги хизматдошидан хат-ҳужжатларни қабул қилиб олишдан бошлаши керак. Қонун ҳужжатларимизда ишларни бир бухгалтердан бошқасига топширишнинг тартиби белгиланмаган. Шу сабабли бундай ҳолларда бирон бир қонуний кўрсатмаларга амал қилишнинг иложи йўқ. Банк тизими бош бухгалтерлари тўғрисидаги, бош бухгалтер лавозимга тайинланганда ҳамда лавозимдан озод қилинганда ишларни қабул қилиб олиш ва топширишни тартибга солувчи низомнинг *(Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича йўриқноманинг 1-иловаси; Йўриқнома Адлия вазирлигида 1998 йил 16 ноябрда 533-рақам билан рўйхатга олинган)* 5-бандини регламент тариқасида қабул қилиш мумкин. Бош бухгалтерларнинг ишларни топшириш-қабул қилиб олиш далолатномасининг намунавий схемаси 533-йўриқноманинг 12 ва 13-иловаларида келтирилган.

Шунга қарамай дастлабки синов муддати мобайнида ҳар қандай бухгалтер ўз мажбуриятларини талаб даражасида уддалай олади деб бўлмайди. Уқувсизларча қилинган ҳаракати оқибатида ишдан бўшаб кетган бухгалтерлар оз эмас. Жабрини эса директор тортади: ҳисобот ўлда-жўлда қолиб кетади. Бундай мутахассис шу ишда қоладиган бўлса, чатоқ – буни раҳбарнинг шахсий камчилиги дейиш мумкин. Ходим ишдан кетмоқчи эканлиги аризаси олинган пайтдагина маълум бўладиган вазиятга ҳам тегишли баҳо бериш керак.

АҚЛ ТИЙРАН БЎЛИШИГА ДОИР МАСЛАҲАТЛАР

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, ҳушёрликни сира қўлдан берманг, имзоламоқчи бўлаётган ҳужжатларни диққат-эътибор билан ўқиб чиқинг. Меҳнат кодекси ҳамиша ёнингизда бўлсин. Ўзи унча катта бўлмаса ҳам бу Кодекс бебаҳо ёрдамчидир.

Янги жойда иш бошлаётганлар эътиборига

Ҳар қандай меҳнат жамоасида ошкор этилмайдиган, тиллаҳал чорчўпга жойлаб деворга осиб қўйилмайдиган бир қанча қоидалар бор. Мазкур компанияда нималар мақбулу, нималар номақбул эканлигини билиб олиш учун ҳам вақт керак. Шу сабабли ҳам янги иш жойида дастлабки кунлар уялиб қолмаслик ва панд емаслик учун ниҳоятда эътиборли бўлиш зарур. Ўзини яхши мутахассис, одамохун сифатида кўрсатмоқчи бўлганларга психологлар кўпинча қуйидаги маслаҳатларни беришади:

1. Янги келган одамни уст-бошига кўпроқ эътибор беришади, бинобарин ўта модапараст сифатида ғайриоддий кийимингиз билан бошқа ходимларни лол қолдиришга уринманг. Одмироқ, ўзингизга ярашган кийим кийсангиз, ташқи кўринишингиз ҳақида ортиқча гап-сўз бўлмайди.

2. Чиқишиб, ҳамжиҳат бўлиб ишлаётган жамоага сингишиб кетиш баъзан осон кечмайди. Янги ҳамкасбларга ўзингизни дарҳол яхши дўст сифатида кўрсатишга уринманг, ошкора мулоқотга тайёр эканлигингизни билдиришнинг ўзи кифоя.

3. Одатланиб қолган тартиб-қоидаларингизни пешлашга, тиқиштиришга уринманг. Янги ишдаги корпоратив стандартларни англаб ва тушуниб олиш даркор.

4. Хизмат ва уяли телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида алоҳида гаплашиб олинг.

5. Ҳаммага бирдек ёқишга, шу мақсадда ўз мажбуриятларингизни ортиғи билан адо этишга уринманг.

ШУНДАЙ ФИКР БОР

Баъзи мутахассислар учун мажбуриятларини бир ўзи адо этишга қодирликнинг ўзи етарли бўлса, бухгалтерлар, аудитор ва юристлар ҳамкасблари билан ҳам, бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан ҳам яқин ҳамкорликда мунтазам иш олиб бориши зарур. Дастлабки синовдан ўтиш вақтида хусусан улардан қуйидагилар талаб этилади:

бор билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай билиш;

билим ва кўникмалар даражасига нисбатан муттасил ўзгаритурувчи талабларни илғай билиш ҳамда идрок этиш;

касбга доир талабларни белгиловчи ўзгаришлардан доимо воқиф бўлиб бориш;

малакани оширишга интилиш;

мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳамда ўз нуқтаи назарини далил-асослар билан ҳимоя эта билиш;

бошқа ташкилотлар билан нормал амалий алоқаларни йўлга қўйиш;

ўз шаънига айтилган танқид ҳамда раҳбарлар ва ҳамкасабаларнинг маслаҳатларини тўғри қабул қилиш;

зарурат бўлганда шахсий манфаатларига жўяли доирада ён бериш.

Бухгалтерлар, аудитор ва юристлар юқорида айтилганлардан ташқари ижрочилик, тезкорлик, интизомлилик, аниқ-пухталик ва бошқа қатор фазилатларга ҳам эга бўлишлари зарур.

Фирма директори А.

• Хорижда • Хорижда • Хорижда • Хорижда • Хорижда • Хорижда • Хорижда • Хорижда •

ЙОГЛАРНИНГ ЁРДАМИ

Ходимлардан ишда самара янада кўпроқ бўлишига қай йўсинда эришиш мумкин? Бу саволга талабни ошириш, ходимларга нисбатан янада талабчанроқ бўлиш орқали эришиш мумкин деб жавоб қилишади. Аммо булар тузукроқ натижа бўлишини кафолатлай олмайдиган сийқаси чиққан усуллардир. Зотан одамнинг жисмоний имкониятлари чекланган, у мудом шу чегара даражасида меҳнат қила олмайди.

Шу сабабли кўпгина компаниялар бошқача йўлга ўтиб олдилар. Улар ўз ходимларига иш куни мобайнида массажга ва йоглар машғулотига иш берувчи – фирмалар ҳисобидан қатнашни таклиф этмоқдалар. Маълум бўлдики, бу – ходимларнинг иш қобилиятини кўтаришнинг бағоят таъсирчан усулидир. У айниқса, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, кам ҳаракат мутахассисларга қўл келмоқда.

Ҳаётий куч-ғайратни сақлаб туришнинг янги тури айниқса йирик молия компанияларида шуҳрат топди. Бу фирмаларнинг вақт етишмаслиги, иш куни нормаланмаганлигидан қийналиб юрган ходимлари бирон жойга бориб спорт билан шуғулланиш имкониятига эга эмас. «Шу боис иш вақтида йоглар машғулоти ва массаж билан шуғулланишдан уларнинг боши осмонга етмоқда», – дейишмоқда компания раҳбарлари.

САЙТЛАРНИНГ «КУНИ ТУҒДИ»

Интернет ўргимчак ини мисол бутун жаҳонни аллақачон қоплаб олганлиги сир эмас. Европада Интернет хизматларидан мунтазам фойдаланувчилар сони бугунги кунга келиб 217,5 миллион кишидан ошди. Бундан европаликлар Интернет орқали иш излаш йўлига тобора кўпроқ ўтмоқдалар деб хулоса чиқариш мумкин. Бўш иш жойларни изловчилар ўртасида «Monster» сайтининг обрўси ниҳоятда баланд. Қароргоҳи АҚШда бўлган ана шу сайтга ҳар ойда ўрта ҳисобда 8,3 миллион европалик кирмоқда. Франциянинг ишга жойлаштиришга йўналтирилган «ANPE» сайти иккинчи ўринда (2,9 миллион киши). Тақрибан шунча одам «ташриф буюрадиган» «Bundesagentur fur Arbeit» (Германия) сайти учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»;

– «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида» (кўчирма);

– «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МББнинг «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

- **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ:**

– «Вилоят ҳудудида қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона ставкалари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(«Халқ сўзи», 43 (4453)-сон, 2008 йил 1 март)

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга туширилaдиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда

«Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДА «ЖЕНЕРАЛ МОТОРС ЎЗБЕКИСТОН» КОРХОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

[Кўчирма]

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 8-9-сон, 37-модда)

Республика автомобиль саноатини янада барқарор ривожлантириш, уни жаҳонда етакчи авто ишлаб чиқарувчиларнинг бири билан интеграциялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш, янги замонавий, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган автомобиллар моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини янгилаш ҳамда кенгайтириш, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички ва ташқи бозорларда сотув ҳажмлари ўсишини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Ўзавтосаноат» АК, «ЎзДЭУавто» ЁАЖ, «Женерал Моторс» (АҚШ) корпорацияси ва «Женерал Моторс Дэу Авто энд Технолоджи» (Жанубий Корея) компанияси томонидан 2007 йил 8 октябрда «ЎзДЭУавто» ЁАЖ негизида хорижий инвестициялар иштирокида устав капитали рўйхатга олиш кунида эквиваленти 266,7 млн АҚШ доллари миқдорида бўлган ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида Битим имзоланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан «Женерал Моторс» корпорацияси, «Женерал Моторс Интернейшнл Холдингс» компанияси билан тузилган, «Женерал Моторс» корпорациясининг «ЎзДЭУавто» ЁАЖ устав капиталига кириш масалаларини тартибга соладиган, хорижий инвесторларнинг аниқ мажбуриятларини ҳамда ташкил этилаётган корхонага Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кўрсатиладиган давлат мададига оид чора-тадбирларни акс эттирадиган Инвестиция битими тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзавтосаноат» АК билан биргаликда тузилган Инвестиция битимига мувофиқ хорижий инвесторлар ўз зиммасига олган мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари устидан назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

«ЎзДЭУавто» ЁАЖнинг қўшимча акциялар чиқарилиши рўйхатга олинган кунда умумий суммаси 66,7 млн АҚШ доллари эквивалентида, оддий номланган акцияларни, миллий валютада деноминация қилинган, бир акциянинг номинал нархи 10 АҚШ доллари эквивалентидаги 6 666 668 дона миқдорида қўшимча акциялар чиқарилишини рўйхатдан ўтказсин;

компания Кенгаши қарорларига мувофиқ, компания устав фонди миқдори оширилиши муносабати билан, «Ўзавтосаноат» АК акциялари эмиссияси проспектига ўзгаришлар киритилишини, рўйхатга олиш йиғимлари ундирилмасдан рўйхатга олсин.

7. «Ўзавтосаноат» АК 2005 — 2007 йиллар якунлари бўйича шаклланган, тақсимланмаган фойда ҳисобидан қўшилган, «ЎзДЭУавто» ЁАЖдан олинадиган дивидендлар тарзидаги даромадлар бўйича фойда солиғи тўлашдан озод этилсин.

8. Қуйидагилар:

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган барча солиқлардан, шунингдек Республика Йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан;

бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшилган қиймат солиғи ва «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун ана шу корхоналар томонидан сотиладиган маҳсулотлар фойда солиғи тўлашдан, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий воситалар мулк солиғи тўлашдан;

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ, «Ўзавтосаноат» АК, шунингдек 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобилларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар томонидан олиб келинадиган маҳсулотлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг хорижий ходимлари мазкур корхонадаги хизмат доирасида оладиган даромадлари даромад солиғи тўлашдан;

1-илова рус тилида берилади.

«Женерал Моторс» корпорацияси, «Женерал Моторс Интернейшнл Холдингс» компанияси ва унинг ҳуқуқий ворислари «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод этилсин.

Белгилансинки, «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ 2-иловага* мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайтдан бошлаб ушбу қарор билан жорий этилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 31 декабрида тугаши билан яна беш йиллик муддатга узайтирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ талабномаларига кўра, мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижий мутахассислар ва уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ талабномаларига кўра, хорижий мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларига кўп марталик визалар бериш, шунингдек муваққат яшаш жойида вақтинча рўйхатда туриш ва унинг муддатини узайтиришни белгиланган тартибда таъминласин, улар давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб этишга белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини, шунингдек унинг буюртманомаларига кўра — хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар тақдим этилиши (муддати узайтирилиши)ни таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 21 февраль
ПҚ–800-сон.

****2-илова берилмайди.***

ПРИЛОЖЕНИЕ N 1
к постановлению Президента РУз
от 21 февраля 2008 года N ПП-800

ТОВАРЫ,
ВВОЗИМЫЕ ЗАО «ДЖЕНЕРАЛ МОТОРС УЗБЕКИСТАН», АК «УЗАВТОСАНОАТ»,
А ТАКЖЕ ДРУГИМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ–ПРОИЗВОДИТЕЛЯМИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ОСНАСТКИ,
МАТЕРИАЛОВ, КОМПЛЕКТУЮЩИХ ИЗДЕЛИЙ,
ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ПРОИЗВОДСТВЕ АВТОМОБИЛЕЙ ЗАО «ДЖЕНЕРАЛ МОТОРС УЗБЕКИСТАН»,
ОСВОБОЖДАЕМЫЕ ОТ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ

N	*Наименование импортируемых товаров*	*Предприятия, которым предоставляются льготы по таможенным платежам*
1	Машины и оборудование, запасные части к ним, инструменты, технологическая оснастка для производства автомобилей и комплектующих изделий	АК «Узавтосаноат», ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан», предприятия–производители технологической оснастки, материалов, комплектующих изделий, используемых в производстве автомобилей
2	Двигатели, трансмиссии, материалы, комплектующие изделия и узлы для производства автомобилей и комплектующих изделий	ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан», предприятия–производители технологической оснастки, материалов, комплектующих изделий, используемых в производстве автомобилей
3	Техническая документация, промышленные компьютеры, периферийные устройства и программное обеспечение для производства автомобилей и комплектующих изделий	АК «Узавтосаноат», ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан», предприятия–производители технологической оснастки, материалов, комплектующих изделий, используемых в производстве автомобилей
4	Запасные части для послепродажного обслуживания, расходные, вспомогательные и рекламные материалы, необходимые для деятельности Компании и не производимые в Узбекистане	ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан»
5	Комплектующие детали для крупноблочного производства автомобилей в объеме не более 5% от годового объема производства автомобилей на ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан»	ЗАО «Дженерал Моторс Узбекистан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 8-9-сон, 38-модда)

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2007 йил 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган божхона ишларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 27 февраль
ПҚ–801-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1767-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 6-7-сон, 33-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 2 январь
1/4-сон.

***2008 йил 23 февралдан кучга киради.**

Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўлов тизимини ташкил қилиш бўйича асосий қоидаларни, умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари, жумладан Интернет орқали ахборот тизимларига киришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини, шунингдек, тўлов тизими субъектлари ўртасида молиявий маълумотларни ўзаро айирбошлашда реквизитлар таркибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қоидаларда қуйидаги тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

тўлов ташкилоти — тўлов тизимини идентификация қилувчи товар белгиси ва (ёки) хизмат кўрсатиш белгиси ҳуқуқларига эгалик қилувчи ва уларнинг қоидаларини белгиловчи юридик шахс;

тўлов тизими фойдаланувчилари — электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизими хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

тўлов тизимининг аъзолари — мазкур тўлов тизими фойдаланувчиларига тўлов ташкилоти билан шартнома асосида электрон тўловларни амалга ошириш хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари — ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун унинг криптографик алмаштирилишини амалга оширувчи аппарат, дастурий ёки аппарат-дастурий воситалар, шу жумладан:

а) шифрлаш воситалари — ахборот алмаштирилишида криптографик алгоритмларни қўлловчи ва ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва алоқа каналлари орқали узатишда унга рухсатсиз кириш (фойдаланиш)дан муҳофаза қилиш учун қўлланиладиган аппарат, дастурий ва аппарат-дастурий воситалар;

б) имитоҳимоялаш воситалари — ахборотни криптографик ўзгартириш ва ёлғон ахборот билан боғланишдан муҳофазалашни амалга оширувчи аппарат, дастурий ва аппарат-дастурий воситалар;

в) электрон рақамли имзо воситалари — электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланиши, электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалар мажмуи;

г) кодлаш воситалари — ўзгартиришнинг айрим қисмини қўлда бажариладиган амаллар орқали ахборотни криптографик ўзгартириш алгоритмини амалга оширишда қўлланиладиган воситалар;

д) калит ҳужжатларни яратиш воситалари ва калит ҳужжатлари (калит ахборотларни ташиш туридан қатъи назар).

2. Тўлов тизимини яратувчи тўлов ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида белгиланган тўлов тизими қоидаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

3. Банкнинг ички тўлов тизимини ташкил қилиш «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) мувофиқ бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Чакана тўловлар тизимларини ташкил қилувчи, бошқа тўлов ташкилотлари-резидентлар қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтишлари керак.

4. Тўлов ташкилоти ўзаро шартномалар тузилган чакана тўлов тизими аъзоларининг рўйхатини олиб бориши, бунда чакана тўлов тизими аъзоларининг тартиб рақами ва барча хизмат кўрсатиш пунктлари (манзиллари билан) ҳамда шартномаларнинг санаси ва рақами кўрсатилган бўлиши керак.

II. ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҚОИДАЛАРИ

5. Автоматлаштирилган банк тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидалари, шу жумладан, банкларда сервер хоналарини ташкил қилиш Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси (2001 йил 9 июль, рўйхат рақами 1047) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

6. Ташқаридан бегоналарнинг киришини ва тижорат ахборотини ўғирланишини олдини олиш учун банк бўлмаган тўлов ташкилотларнинг сервер хоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) мустаҳкам деворлар, ишончли тўсиқларга ва панжараларга эга бўлиши;

2) махсус кодли ёки бошқа турдаги ишончли қулфлар билан жиҳозланган мустаҳкам эшиклар билан жиҳозланиши;

3) ташқи кузатувга қарши ҳимоя воситаларига эга бўлиши;

4) ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш сигнализациясини мавжудлиги, зарур ҳолларда огоҳлантириш қурилмалари ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг пультига уланилади.

7. Тўлов тизими серверларини ташқи таъсирдан ҳимоялаш учун тармоқлараро экранлар (Firewall) ўрнатилади. Банкларда банк ҳисобварақларини масофадан фаол бошқариш тизимларида ишлаш ва бошқа тўлов тизимларини уланиши учун алоҳида амалий масалалар серверлари ўрнатилади.

8. Тўлов тизими фойдаланувчиларини тўлов тизимига киришда аутентификация қилиш қуйидагилар ёрдамида амалга оширилади:

1) логин ва пароль (8 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинацияси);

2) банк картасининг рақами ва пин-коди (одатда 14 белгили символлар комбинацияси);

3) логин ва паролнинг бир марталик ўзгарувчи кодлар билан биргаликда қўллаш.

Аутентификация натижаси уч марта нотўғри бўлган ҳолда, тизим беркитилиши керак. Тўлов тизими фойдаланувчиларини аутентификация қилиш усулларини техник-дастурий воситаларни қўллаган ҳолда такомиллаштиришга рухсат этилади.

Тўлов тизими аъзоларини тўлов тизимига ҳамда бошқа тўлов тизимларини банк ички тўлов тизимининг автоматлаштирилган банк тизимига уланишида аутентификациялаш, албатта техник-дастурий воситалар ва IP-манзилни аниқлаш ёрдамида бажарилади.

9. Операцияларнинг асллигини тасдиқлаш электрон тўлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан имзолаш ва/ёки бир марталик ўзгарувчи кодлардан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади. Алоҳида бир марталик ўзгарувчи кодлар ишлатилганда операциялар суммасининг чекланиши тавсия этилади.

10. Тўлов тизими фойдаланувчилари ва аъзолари ўртасида электрон ахборот айирбошлашда, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан фаол бошқариш тизимларига кириш SSL протоколи бўйича амалга оширилади, тўлов тизими аъзолари ўртасида ҳимояланган шифрланган алоқа каналлари (VPN) қўлланилади. Ахборотни махфийлигини таъминлаш учун қўшимча сертификацияланган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

11. Тўлов тизими серверларига узатиладиган ва қабул қилинадиган ахборот сўнги янгиланган антивирус базали лицензияга эга бўлган антивирус дастури билан вируслар мавжудлиги бўйича текширилиши керак.

12. Тўлов тизими фойдаланувчиларини тизимга кирганлиги ҳамда амалга оширилган операциялар тўғрисида уларнинг уяли телефони, электрон почтасига ёки бошқа огоҳлантириш воситалари орқали хабардор қилиш тавсия этилади.

III. ТЎЛОВ ТИЗИМИ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДА МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎЗАРО АЙИРБОШЛАШДАГИ РЕКВИЗИТЛАР ТАРКИБИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

13. Банкларо ва банкнинг ички тўлов тизимида қўлланиладиган ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан фаол хизмат кўрсатиш тизимларида шакллантириладиган банк электрон тўлов ҳужжатлари реквизитлари таркибига қўйиладиган талаблар, «Марказий банкнинг банкларо тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга (2006 йил 14 февраль, рўйхат рақами 1545) мувофиқ аниқланади.

14. Чакана тўлов тизимларида клиринг операциялари учун, яъни банк тўлов тизимлари орқали бир нечта операциялар бўйича ягона суммали битта электрон тўлов амалга оширилишида, шунингдек, банк ҳисобварақларига масофадан фаол хизмат кўрсатиш тизимларида телекоммуникация провайдер ва операторлар ёки коммунал хизмат (электр ва телекоммуникация хизматлари, эксплуатацион ва коммунал хизматлар) корхоналари фойдасига бир хил турдаги операцияларда электрон тўлов ҳужжатларининг бошқа шаклларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда пул маблағларини тўловчи ва олувчи — тўлов тизимининг фойдаланувчилари, шунингдек, банк ҳисобварақларига/дан пул ўтказмалари амалга оширилган ҳолларда эса, уларнинг банк реквизитлари ҳам аниқ идентификацияланган бўлиши керак. Электрон тўлов ҳужжати реквизитларининг таркиби ва тузилмасига бўлган талаблар пул маблағларини олувчилари билан келишилади ҳамда тўлов тизими қоидаларида белгиланади.

15. Электрон тўловлар, электрон тўловларнинг мақсадини ишончли ва тўлиқ баён этадиган ҳужжатларни мажбурий тузишни кўзда тутади:

тўлов тизими аъзолари томонидан нақд пулларни қабул қилишда қоғоз кўринишида (слип, электрон терминал квитанцияси);

электрон тўлов ҳужжатларини ўтказишда электрон кўринишида (терминал ёки банкоматларнинг электрон журналидаги ҳужжат, электрон квитанция ёки шахсий ҳисобварақдан электрон кўчирма);

тўлов тизими қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Кўрсатилган ҳужжатлар амалга оширилган операцияларни қўлда қайта тиклаш учун зарур бўлган барча керакли маълумотларни, жумладан электрон тўлов амалга ошириладиган товар/хизматнинг номини ўз ичига олиши ҳамда тўлов тизими субъектларига тақдим қилиниши шарт.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

16. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори
А.АРИПОВ.

Миллий хавфсизлик хизмати раиси
Р.ИНОЯТОВ.

Тошкент ш., 2008 йил 2 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ҲАҚИНИНГ ЯГОНА СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги Қонуни, Фуқаролик кодекси талаблари асосида, шунингдек кейинги вақтда вилоятдаги бино-иншоотларга бўлган эҳтиёжнинг ва нарх-навонинг ошишини инобатга олган ҳолда, вилоятдаги бўш турган бино ва иншоотларни тартибга солиш, кутилаётган харажатлар билан корхона ва ташкилотларнинг ижара ҳақидан тушадиган даромадларни тартибга солиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоятда ижара ҳақининг ягона энг кам миқдордаги ставкалари 1-иловага, корхона ва ташкилотларга нисбатан қўлланиладиган имтиёзли ижара ҳақи ставкалари 2-иловага ҳамда ҳудудий зоналар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳудудида қўлланиладиган ягона энг кам миқдордаги ижара ҳақи ставкалари 2008 йил 1 февралидан кучга киритилсин.

